https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Азимов Фарход Тешабоевич
Камолиддин Бегзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти Саньатшунослик
журналистикаси факультети 3-курс талабаси.

ТАСВИРИЙ САНЪАТДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Аннотация. Ушбу мақолада тасвирий санъатда инновацион технологияларни замонавий педагогика асосида қўллаш муаммолари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида сўз боради.

Калит сўзлар: инновацион, технология, тасвирий санъат, замонавий педагогика, усул, услублар.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМ ИСКУССТВЕ

Аннотация. В данной статье рассматриваются проблемы использования инновационных технологий в изобразительном искусстве в современной педагогике, а также особенности и методы.

Ключевые слова: инновационная, технология, изобразительное искусство, современная педагогика, сотрудничество, методы.

TRAINING USING INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE FINE ARTS

Abstract. This article discusses the problems of using innovative technologies in professional education in fine arts and the prospects for their solution, as well as the features and solutions of the formation of cooperation in modern pedagogy.

Keywords: innovative, technology, visual arts, modern pedagogy, cooperation, method, methods, method.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йилнинг 21 апрелда эълон қилган “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳада янги тарихий даврни бошлаб

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

берди. Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Қарорда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолиятини янада ривожлантиришга доир бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик, музейшунослик соҳаларида замон талабига жавоб берадиган юкори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини шакллантиришга каратилган стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланган.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти республикамизда бадиий таълимга ихтисослашган ягона олий таълим муассаси бўлиш баробарида, юртимизга тасвирий ва амалий санъат, дизайн санъатшунос, музейшунос кадрлар етказиб берувчи етакчи таълим даргоҳи ҳисобланади. Шу омилни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, ушбу соҳалар учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини шакллантиришга оид стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оришиш орқали нафақат институт, балки юртимизда ушбу соҳаларнинг ривожланиши учун янада кенгроқ шароит яратилади.

Қарорда тилга олинган кадрлар тайёрлашнинг мақсадли тизимини шакллантириш, юртимиз ва дунё тасвирий санъатида муносиб ўрин тутган атоқли ижодкорларнинг иш услуби, йўналиши ҳамда улар яратган мактаб ва анъаналарнинг сақланиб қолиниши, уларга муносиб издошларнинг етишиб чиқиши учун керакли шароитларни юзага келтирди. Бу эса пировардида ўзбек тасвирий санъати мактабининг ҳам ривожини таъминловчи муҳим жараёнга айланди.

Бугун Янги Ўзбекистон дунёга юзланаётган даврда барча соҳалар каби санъат ва маданият ҳам дунё билан ҳамнафас ривож топмоқда. Албатта,

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

бадиий таълимда ҳам миллий анъаналаримизни илғор хориж тажрибаси билан уйғунлаштириш, инновацион технологиялардан кенг кўламда фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Ўқув жараёнига таълимнинг инновацион усулларини, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш жараёни давом этмоқда.

Президентимиз томонидан таълимга, жумладан, олий таълим соҳасига кўрсатилаётган ғамхўрлик, таълим даргоҳлари учун кўрсатилаётган эътибор самараси ўлароқ, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида жуда кўплаб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Шоир қўлига қоғоз-у қалам олади, рассом эса мўйқалам тутади. Ижодкор ўз кўрганларини борича тасвирлашга интилади. Бу ўринда маҳорат керак. Маҳорат ўқиб-ўрганиш, тажриба ва вақт орқали ўсиб боради. Аммо ижодкор маҳорати ҳеч қачон оламни борича тасвирлашга етмайди. Шунинг учун ижодкорнинг ўз ижод маҳсулидан ҳеч қачон кўнгли тўлмайди. Чунки оламдаги ранглар шу қадар ёрқин, мусиқа шу қадар тиниқ, мазмун шу қадар улканки, уни мукаммал тасвирлашнинг иложи йўқ.

Замонавий ахборот технологиясининг асосини ташкил қилган компьютерлар ҳозирги кунда ахборотларни сифатли узатиш ва қабул қилишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Фан ва техниканинг ривожланиши ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш каби жараёнларни бутунлай бошқача кўринишда амалга ошириш мумкинлигини кўрсатди. Бунда асосий ўринни компьютер техникаси ва бошқа турдаги воситалар эгаллайди. Ишни бундай ташкил этиш ахборотлар алмашинувини тезлатишдан ташқари керакли ахборотни излаш, қайта ишлаш ва фойдаланишни осонлаштиради. Бундан ташқари ахборотнинг устида бажарилаётган ишлар сифатли бажарилади.

Ҳозирги кунда таълим жараёнига инновацион технологияларни қўллашга бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса,

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

замонавий инновацион технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан таълим жараёнида ўқувчи асосий ўрин эгаллайди. Шунинг учун олий ўқув юртлари ва малака ошириш институтларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий инновацион педагогик технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчиларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Тасвирий санъат таълими Давлат стандарти санъатнинг уч тури – тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатлари мазмунини акс эттирган бўлиб, у аввало миллий ўзбек санъатини, унинг бадиий анъаналарини, айрим машҳур ўзбек тасвирий, амалий, меъморчилик санъатлари усталарининг ҳаёти ва ижодини, Ўзбекистонда санъатнинг бу турлари ривож топган марказларни, Ўзбекистондаги йирик санъат музейларини билиш тасвирий санъат ўқув предметини вазифаларидан бири эканлигини қайд қилади. Бундан мақсад миллий санъат воситасида ўқувчиларга бадиий таълим бериш билан бир қаторда уларда шахсни эстетик, ахлоқий ва меҳнат тарбиясини амалга оширишдан иборат.

Миллий ўзбек санъатини чет эл ва жаҳоннинг ҳозирги замон илғор санъатига қараганда кенгроқ ва чуқурроқ ўргатишдан мақсад, ҳар бир ўзбек ўқувчиси ўз ҳалқининг тарихини, адабиётини билиши шарт эканлиги каби, унинг санъатини ҳам нисбатан кенгроқ билишига эришишдир. Миллий санъат таълим мазмунида пойдевор бўлиши лозим. Уларни ўрганмасдан туриб, ёшларимиз бадиий маданиятли шахс бўла олмайди. Акс ҳолда миллий қобиққа ўралашиб қолиш оқибатида улар жаҳон стандартлари даражасига чиқа олмайдилар.

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Айниқса ёшларимиз қадимги Миср, Юнонистон, Ҳиндистон меъморчилиги, Афғонистон, Ирок, Туркия миниатюра рангтасвир асарлари, Европада Уйғониш даври тасвирий санъати, ривожланган Ғарб мамлакатларининг ҳозирги замон тасвирий ва меъморчилик санъати намуналарини ўрганмасдан ва билмасдан туриб маданийлашган шахс бўлиши мумкин эмас.

Давлат таълим стандартлари талабларини фақат ўқув режаларида ажратилган вақт ҳажмида муваффақиятли бажариб бўлмайди. Чунки, юқорида қайд қилинганидек, таълим мазмунига доир ўқувметодик мажмуалар, моддий техникавий асос, юқори малакали ўқитувчиларнинг етишмаслиги, мавжуд муаммони бир мунча мураккаблаштиради. Бу эса ўқувчиларнинг дарсдан ва мактабдан ташқари мустақил ишларини ташкил этишни самарали шакллари ва йўлларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Мазкур муаммо бевосита ўқувчиларнинг мустақил ишлари учун тегишли адабиётлар, хрестоматик материаллар, моддий-техникавий материаллар, ўқув ва методик йўл-йўриқларни ишлаб чиқиш билан боғланган. Ҳаттоки, бу масалада ота-оналарнинг вазифалари, иш мазмуни ҳақида ўйлаб кўриш, уларга маълум йўл-йўрик ва тавсиялар бериш фойдадан холи эмас. Масалага ана шундай ёндашув таълим стандартларида кўрсатилган билим ва малакаларнинг минимум даражасини ўқувчилар томонидан ўзлаштиришгагина таъсир кўрсатибгина қолмай, балки уни максимумга кўтариш имконини ҳам беради.

Тасвирий санъат предмети талабаларни ҳар томонлама тарбиялаш ва уларни комил инсонлар қилиб шакллантиришга хизмат қилади. Тасвирий санъат инсоннинг ички руҳий кечинмалари, ўй-хаёллари, кайфияти ва табиат гўзалликларини турли хил ранглар ва шакллар образи орқали ифодалайди. Ўқитувчи ўз дарсининг таъсирчан кучидан фойдаланиб талабаларнинг

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

маънавий, ахлоқий ва бадиий маданиятини ошириш мақсадида турли метод, шакл ва воситалар орқали ўз мақсадига эришади.

Бугунги кунда янги педагогик ва ахборот технологияларини, интерфаол метод ва инновацион дарсларни таълим жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Бунга заруриятнинг асл сабабларидан бири, шу пайтгача анъанавий таълимда ўқувчини фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини, ўзлари қидириб топишга, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишга, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Ҳозирги кунда замонавий инновацион усуллардан фойдаланишда талаба моҳирликдан-ижодкорликка интилиши ва соҳада янгилик яратишга ҳаракат қилиши керак. Замонавий педагогикада, шу жумладан, тасвирий санъатда инновацион технологияларни қўллаш давр талабига айланиб бормоқда. Бунда ижодкорнинг билим эгаллашга бўлган ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш ва уни рағбатлантириш, ижод қилиши учун шарт-шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади. Касбга йўналтириб ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш, яратиш ва уларни бошқариш таълим-тарбиянинг бугунги долзарб вазифаси ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон бадиий педагогикаси нафақат таълим тараққиёти билан, балки ватанимизда рўй бераётган тарихий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ўзгаришлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Ўлкамиз ўтмишида тасвирий санъат кенг ривожланган бўлиб, ҳар бир давр ўз мазмуни, шакли, характери жиҳатидан алоҳида мактабларни юзага келтирган. Ҳақиқий тасвирий санъат ўзида такрорланмас мўъжизани жамлайди. Бу мўъжизанинг сир-асрорларини билиш, тушуниш учун композиция ҳақида маълумотга эга бўлишни талаб этилади. Композиция тузиш, жойлаштириш, ижод қилиш санъатнинг алоҳида қисимларини мантиқан бир бутунликка келтиришни англатади. Бусиз уни тасвирий санъат асари сифатида баҳолаб бўлмайди.

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Шу боис тасвирий санъат йўналишида педагогик инновацияларни излаб топиш, ўрганиш, таҳлил қилиш яхши самара беради ва уларни амалиётда қўллаш орқали кутилган натижага эришилади. Тасвирий санъат фани ўқитувчиси талабани фаоллаштирадиган йўл, усуллар, таълим шакллари ва воситаларини такомиллаштиради.

Аслида инновация бир тизимда шаклланган янгича ёндашув, таълим мазмуни ривожи учун истиқболли ҳисобланади, шу билан бирга, таълим тизими ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Интерфаол таълим давомида талабалар жараённинг барча субъектлари билан фаол муносабатда бўлади. Интерфаоллик даражаси канча юкори булса, таълим бериш жараёни шунча кўп натижа беради. Бу метод ўқувчида белгиланган вазифани бажаришнинг энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиради. Ҳар кандай мазмунга эга муаммоли вазиятларни ўрганиш ва таҳлил қилишга, унинг ечимини топиш учун мустақил изланишга, шу орқали аниқ ёки муқобил қарорга келишга ўргатади.

Жаҳон тасвирий санъат оламида кейс-стади (инглизча case - вазият, ҳолат, study-ўрганиш) деган атама мавжуд бўлиб, бу таълим бериш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувда баён килинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув жараёнларини ўз ичига олган ўқитиш технологиясидир.

Узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида, ёшларга фанларни ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилмокда. Инновацион педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари етарлича ривожланиб бораётган бир пайтда ўз-ўзидан уларнинг интеграцияси вужудга келади. Тасвирий санъатда композиция жуда кенг маънога ва ўзига хос, айни пайтда жуда муҳим бўлган хусусиятларга эга. Бу хусусиятнинг диққатга сазовор жиҳати шуки, тасвирий санъатнинг ҳар бир йўналиш ёки жанрида композицион тузилишининг маълум даражада умумийлик ва айни пайтда

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

бир-биридан фарқли жиҳатлари мавжуд бўлиб, йўналиши ёки жанрга кўра композициянинг муайян конуниятларига амал қилади.

Тасвирий санъат асари композициянинг оддий қонунларидан то унинг мураккаб меъёрий талабларигача бўлган жараённи ўз ичига олади. Композицион тугалланган тасвирий санъат асарида рассомнинг мақсади, ўй-фикрлари намоён бўлади. Асар мазмунини очиб берувчи тасвирий воситалар унинг композицион ечимини фавқулодда ҳал этади. Асар композициясини ҳал этишда рассомнинг дунёқараши ўзига хос услубда ифода этилади, айни пайтда рассом ўз асари орқали томошабинларни эстетик мулоҳаза килишга чорлайди. Тасвирий санъат усталарининг дунёқараши, шунингдек, уларнинг маҳорати яратилаётган асар композициясининг мукаммалиги билан белгиланади. Асар томошабин томонидан идрок қилинаётганда баъзан ижодкор хаёлига келмаган фикр-мулоҳазалар ҳам юзага келиши мумкин. Бунинг учун, аввало, томошабин, тасвирий санъат ихлосмандлари классик намуналар ҳамда тасвирий санъат тарихидаги ва замонавий намуналарни эстетик идрок этиш ва тўғри таҳлил қила олиш учун улардан композиция ҳақидаги назарий тушунча ва билимга эга бўлишни талаб қилинади.

Тасвирий санъат асарида мазмун ва шаклни бирлаштириш учун қўлланилган воситаларни асарнинг бош ғоясига бўйсундириш композицияга хос асосий қонунлардандир. Рассомнинг бош мавзуси доимо инсон, инсонни ҳар жиҳатдан ўрганиш бўлиб келган. Шунинг учун инсонни тасвирлашда ижодкорлар ва барча тасвирий санъат ихлосмандлари пластик анотомияни билиши ўта муҳим ҳисобланади. Ана шунда инсон образи, одамнинг маънавий, руҳий қиёфасини ифодаловчи асар яратилаётган бир пайтда мусаввир унинг композициясини инновацион технологиялар асосида тўла-тўкис ёрита олади.

Ўзбекистон тасвирий санъат тарихида композиция жиҳатидан мукаммал, бадиий қимматга эга асарлар мавжуд. Айниқса, миниатюра санъатига оид мураккаб намуналарда ҳам ўзига хос композициялар замирида маълум бир

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

ғояларда намоён бўлади. Жумладан, Камолиддин Беҳзоднинг машҳур асарларидан бири – Султон Ҳусайин Бойқаро портретидаги реаллик бу мумтоз мусаввирнинг инсон қиёфасини яратиш борасида тенгсиз санъаткор эканлигини кўрсатади. Беҳзод Алишер Навоий, Султон Ҳусайин Бойқаро, Муҳаммад Шайбонийхон, Абдураҳмон Жомий, Абдулла Хотифий портрети каби асарларини маҳорат билан чизишда ўша пайтда урф бўлмаган инновацион технологияларни ўзи билмаган ҳолда қўллаган бўлиши мумкин.

Тасвирий санъатнинг ўзига хос сирли оламини фалсафий англаш салоҳияти мусаввирни маънавий камолотга етаклайди. Кези келганда яна шуни такидлаш керакки, тасвирий санъат замон ва маконда ҳеч қачон қотиб қолмайди. Давр тақозоси, санъаткорниг ижодий изланишлари натижасида маълум даражада ўзгариб бораверади. Аслида, тасвирий санъатда композиция ўта мураккаб ва шундай серқирраки, бу борада замонавий санъатшунос, рассомларнинг мунозара ва мулоҳазалари, қарашлари ҳар хил бўлади. Шундай экан, санъатшунослик ҳамда педагогика фани уни илмий-назарий ва бошқа жиҳатлардан ҳам ўрганади. Бу ижод тури маълум бир мезонлар асосида педагогдан фан ва методика усулларини муттасил такомиллаштириб боришини тақазо этади.

Композициядаги муҳим жиҳатларга эга бўлган соҳалардан бири бадиийлик, нур ва бўёқлар муаммосидир. Композицион жиддий савияга эга бўлган ҳар бир санъат асарида маълум даражада ўзига жалб қилувчи бадиий нур қиёфаси мавжуд бўлади. Бу, албатта, рассомнинг бўёқларни ишлатиш маҳорати, нур ва соя имкониятларидан фойдаланиш маҳоратига ҳам боғлиқ.

Таълим тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида амалга оширилаётган ислоҳотлар инновацион жараёнларнинг фаоллашувига кенг имкониятлар яратмоқда. Таълимнинг инновацион ривожланиш тартиботига ўтиши фақат назариётчи педагогларнинггина эмас, балки узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларига тааллуқлидир.

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Эндиликда педагогик янгиликлардан фойдаланишга бўлган хоҳиш-истак, уларни қўллашдаги фаолликгина эмас, балки педагогик ижодиёт билан шуғулланиш, ўзлари янгиликларни яратиш амалиётчи педагоглар фаолиятининг муҳим белгиларидан бирига айланмоқда. Айни чоғда педагогик янгиликларни яратиш, уларнинг педагогик жамоатчилик томонидан ўзлаштирилиши ҳамда баҳоланиши, ўқитиш ва тарбиялаш жараёнига қўллаш ва татбиқ этиш узвийликни тақозо этади. Таълим муассасаларидаги инновацион фаолиятни ташкиллаштириш тажрибасини атрофлича таҳлил қилиш педагогик жамоалар, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўз фаолиятига янги педагогик технологияларни татбиқ этишга интилишларини кўрсатади.

Муаммога ижтимоий аҳамият ва моҳият нуқтаи-назардан қарайдиган бўлсак, халқ педагогикаси таълимидаги инновацион жараёнларда “педагогик янгилик” сифатида ўзининг муносиб ўрнини олиши керак. Чунки таълим муассасаларидаги янги педагогик технологияларни жорий этиш билан боғлиқ ҳар қандай янгиланишлар миллий таълимнинг туб моҳиятини, унинг ижтимоий ахамиятга молик вазифаларини инкор этолмайди. Умуминсоний қадриятларни, жаҳон халқларининг илғор тажрибасини ўзлаштириш вазифаси ҳам ҳеч қачон ўқувчи-ёшларнинг миллий ўзлигини таркиб топтириш вазифаларига зид бўлмайди. Демак, таълимдаги инновацион жараёнлар миллий таълим-тарбия вазифаларини амалга ошириш билан ҳамоҳанг бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги замон педагогик технологияларда, айниқса, кўпроқ хориждан кириб келаётган таълим-тарбия усулларида ўзбекона тарбия тизимига тўғри келмайдиган хусусиятлар ҳам тиқилиб ётибди. Шунинг учун тасвирий санъатда инновацион технологияларга берилиб кетиш, миллий анъаналаримизга хос бўлмаган, шарқона тарбияга зид бўлган “оммавий маданият”ни тарғиб қилиш, устозга ҳурмат, қатъий интизом каби шарқона одатларимизнинг эътибордан четда қолиши ёмон натижаларга олиб келади.

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

Хулоса ўрнида айтиш керакки, замонавий таълим жараёнида, тасвирий санъатда инновацион технологияларни қўллаш ҳозирги даврда айниқса долзарблик касб этмоқда. Бутун дунё тараққиётнинг мазкур босқичида таълимга инновацион жараёнларнинг татбиқ этилиши жамиятни ривожлантиришга, Ватан келажагини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони.
2. "Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
3. Захидов П.Ш. Меъмор санъати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
4. Абдураҳмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: Mehnat, 2004. - 672 б.
5. Солиев А., Усмонов А., Жўраев Н. Тадбиркор йўлдоши. Т., „Университет“, 1994.
6. „Таълим самарадорлигини ошириш йўллари“ мавзусидаги семинар-тренинг материаллари. Тошкент, 2002 йил.
7. Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари. Т., Уз ПФИТИ, 1999.
8. Турсунов К,. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т., „Ўқитувчи“ , 1975.
9. Уполномоченное образование. Пособие для тренеров. Т., Информационно ресурсный центр позитивного просвещения, 2003.
10. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. Т., „Фан“, 2000.
11. Б. Қосимов. Исмоилбек Ғаспирали. Таништириш йўлидаги тажриба.
12. Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт—матбаа бирлашмаси, 1992.
13. www.vgik.info

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 30.01.2026

14. ye-mail mail@ vgik.info

15. www/tdpu/uz

16. www.pedagog.uz

17. www.ziyonet.uz

18. www.edu.uz

19. Кулибоким Т.М. Рисунок и основы композиции. – М.: Высшая школа, 1988.
20. Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавхалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.